

Когондаги мактаб ўқувчилари билан учрашув

ТИҚХММИ профессори М.Мирсаидов 2 май 2019 йилда Бухоро вилояти Когон туманининг барча (яъни, 1 дан 19 гача бўлган) мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари билан 5-мактаб биносида учрашиб, қизғин суҳбатлар ўтказди. Бу учрашувда М.Мирсаидов Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати ҳақида ва Президентимизнинг ёшларга бўлган эътибори, уларга яратилаётган шароитлар тўғрисида гапирди. Уларни келажакда илм-фаннинг юқори чўққиларини эгаллаб, янги технологияларни ўзлаштиришга чақирди. М.Мирсаидов фан олимпиадаси қатнашчилари ва аъло баҳоларга ўқиётган ўқувчиларга ўзбек классик ёзувчи, шоирларининг қатор китобларини совға қилдилар.



Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов